



Газета 1966 йил
1 июлдан
чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 61 (12.622)

Баҳоси эркин нарҳда

ПОЙТАХТНИНГ БИР КУНИ



«Ўзэкспомарказ»да
«Uzbekistan Industrial Forum –
2014» олтинчи халқаро
саноат форуми бошланди.
Тадбир доирасида олтинчи
ихтисослаштирилган халқаро
кўргазма ҳам бўлиб ўтмоқда.



САНОАТЧИЛАР ХАЛҚАРО ФОРУМИ

Форум Ўзбекистон Республикаси Фавкулда вазиятлар вазирлиги, Давлат геология ва минерал ресурслар қўмитаси, Савдо-саноат палатаси, «Ўзавтойўл», «Ўзкимё-саноат» давлат акциядорлик компаниялари, Ички ишлар вазирлигининг Ёнғин хавфсизлиги бош бошқармаси, Фанлар академиясининг Энергетика ва автоматика институти ҳамда Тошкент шаҳар ҳокимлиги кўмағида «IEG Uzbekistan» компанияси томонидан ташкил этилди.

Халқаро форумнинг очилиш маросимида Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида металлургия, металлга ишлов бериш, тоғ-кон, кимё саноати, машинасозлик, махсус техника ишлаб чиқариш каби барча соҳалар изчил ривожланиб бораётгани таъкидланди. Давлатимиз раҳбарининг 2010 йил 15 декабрда қабул қилинган «2011-2015 йилларда Ўзбекистон Республикаси саноатини ривожлантиришнинг устувор йўналишлари тўғрисида»ги Қарори ижросини таъминлаш мақсадида амалга оширилаётган чора-тадбирлар юқори технологияли маҳсулотлар – юк ва махсус техника, ғалла ўриш комбайни, компрессор, қучланиш трансформаторлари, аккумулятор, кабель ва бошқа маҳсулотлар ишлаб чиқариш ҳажмини кўпайтириш имконини бераётди.

Жорий йилги халқаро форум доирасида иختисослаштирилган «UzMetalMash» – металлургия, металлга ишлов бериш ва машинасозлик, «UzSpecTechExpo» – махсус техника ва эҳтиёт қисмлар, «UzMiningExpo» – тоғ-кон саноати учун технология ва ускуналар, «UzChemPlastExpo» – кимё саноати,

пластмасса ва полимерлар ишлаб чиқариш ва қайта ишлаш, «UzSecureExpo» – хавфсизлик технологиялари ва химия воситалари ҳамда «UzAutomationExpo» – саноатни автоматлаштириш, ахборот технологиялари ва дастурий таъминот кўргазмалари ўтказилмоқда.

Форумда Ўзбекистон, Жанубий Корея, Германия, Швейцария, Покистон, Бирлашган Араб Амирликлари, Италия, Эрон, Туркия, Чехия, Нидерландия, Польша, Россия, Беларусь, Украина, Қозғоғистон, Қирғизистондан эллиқдан зиёд корхона иштирок этмоқда.

Кўргазмаларда тоғ-кон, металлургия ва энергетика тармоқларида фойдаланиладиган саноат автомат қурилмалари, айрим эҳтиёт қисмлар ҳамда комплексларни лойиҳалаштириш, қуриш ва фойдаланишга топшириш бўйича етакчи корхоналар ўз маҳсулотларини намойиш этмоқда. Шунингдек, бу ерга ташриф буюрганлар мамлакатимиз ва хорижий ишлаб чиқарувчиларнинг технологиялари, ускуналари ва иختисослаштирилган техникаси билан ҳам танишиши мумкин. Масалан, «JV MAN Auto-Uzbekistan» қўшма корхонаси энг юксак талабларга жавоб берадиган эллиқ турдан ортиқ юк ва махсус техникани намойиш этмоқда. Кўргазма комплекси майдонида мамлакатимизда ишлаб чиқарилган очик кон самосваллари, бетон қорғичлар, автокранлар, буриглаш қурилмалари учун платформалар, қудуқларни бетонлаш қурилмалари, тягачлар, коммунал ҳамда бошқа махсус техника тақдим этилган.

(Давоми 2-бетда)

МАЛАЙЗИЯДА ЎЗБЕКИСТОН ТАҚДИМОТИ

Малайзия пойтахтида Ўзбекистоннинг иқтисодий ва сармоявий салоҳиятига бағишланган тақдимот бўлиб ўтди. Мамлакатимизнинг Куала-Лумпурдаги дипломатия миссияси ва Малайзия Савдо белгилари ассоциацияси ҳамкорлигида ташкил этилган мазкур маросимда «Навоий» эркин индустриал иқтисодий ҳудуди ҳамда «Жиззах» ва «Ангрен» махсус индустриал зоналарида биргаликда ҳаётга тадбиқ этиш учун реал қўшма лойиҳалар маҳаллий ишбилармон доиралар вакилларининг эътиборига ҳавола қилинди.

Тақдим этилган маълумотлар малайзиялик ишбилармонларда жонли қизиқиш уйғотди. Маросим иштирокчилари «Жаҳон» ахборот агентлиги мухбири билан бўлиб ўтган мулоқот чоғида ўз фикр-мулоҳазаларини ўртоқлашдилар.

Датук Эрик Чонг, Малайзия Савдо белгилари ассоциацияси президенти:

— Ўзбекистон ўз тараққиёт модели асосида шитоб билан ривожланиб бораётган мамлакатлардан бири эканлиги бугунги кунда бутун дунёда кенг эътироф этилмоқда. Мавжуд бўлган улкан салоҳият, жозибадор сармоявий муҳит ҳамда мамлакатнинг малакали кадрларга эга эканлиги барқарор ривожланишга, шунингдек, хорижий шериклар билан феоал ҳамкорликда иш олиб боришга кўмаклашмоқда.

Ҳозирги пайтда Малайзия ишбилармон доираларида Ўзбекистонга нисбатан катта қизиқиш мавжуд эканлиги кузатилаётди. Бўлиб ўтган тақдимот чоғида республиканинг иқтисодий тараққиёти ва бизнес учун яратилган қўлай имкониятлар ҳақида кенг қамровли маълумотларни олишга муваффақ бўлдик. Бундай тадбирларнинг ўтказилиши мамлакатларимиз ўртасидаги ҳамкорликнинг янада ривожланишига хизмат қилиши тайин.

Фанг Кар Ю, «Harveston» молия компаниясининг ижрочи директори:

— Эркин индустриал-иқтисодий ва махсус зоналарнинг ташкил қилиниши хорижий сармоядорларни жалб этиш учун жуда катта рағбат ҳисобланади. Бундай пухта ўйланган иқтисодий сиёсат ўз натижаларини бераётгани баробарида мамлакатимизда саноатнинг ўсишига ҳамда унинг диверсификациялашуви, шунингдек, юқори технологияга асосланган янги ишлаб чиқариш корхоналарининг ташкил этилишига кўмаклашмоқда.

Виджей Сегарран, «Эрикан» хусусий коллежининг бош директори:

— Биз анчадан бери Ўзбекистон билан ҳамкорлик ўрнатишнинг им-

кониятлари билан қизиқиб келамиз. Бизнинг коллежимизда таҳсил олаётган ўзбекистонлик талабаларнинг юқори тайёргарлик даражаси республикада амал қилаётган бошланғич ва ўрта таълим тизимининг сифатли эканлигини далолат беради.

Улкан сайёҳлик салоҳиятига эга бўлган Ўзбекистон, шубҳасиз, бу соҳа кадрларини тайёрлаш тизимини янада такомиллаштиришдан манфаатдордир. Шу боис биз Ўзбекистонда ўқув муассасасини очиш имкониятларини ўрганишни режалаштиратимиз. Унда сайёҳлик индустриясининг бўлажак мутахассислари таҳсил олишлари мумкин бўлади.

Роланд Тан, «Andaman» компаниясининг катта менежери:

— Бугунги кунда Ўзбекистонда хорижий сармояларини жалб қилиш учун ҳамма имкониятлар яратилганидан хабардорман. Мавжуд иқтисодий ва илмий-техникавий салоҳият, барқарорлик, Ўзбекистон Президенти Ислам Каримов раҳнамолигида саноатни модернизациялашга ҳамда юқори технологияга асосланган ишлаб чиқариш қўлланлишига йўналтирилган тараққиёт йўлининг танлангани хорижий сармоядорларнинг мамлакатимизга маблағ киритишлари учун муҳим омил ҳисобланади.

С.К.Лью, KWF компаниясининг директори:

— Ўзбекистонда мустақил тараққиёт йиллари давомида улкан ишлар амалга оширилди. Уларни саноат жабҳасида эришилган эътиборга молик муваффақиятларда, янги ишлаб чиқариш корхоналари барпо этилганида, илмий базанинг ривожланиши ва аҳолининг ижтимоий ҳимоясида кўриш мумкин.

Бугун жаҳон бозорларида Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган маҳсулотлар тез-тез кўзга ташланмоқда. Улар сифат жиҳатидан афзал бўлса афзалдирки, бошқаларидан асло қолшмайди. Умид қиламизки, Малайзияда ҳам ўзбек бизнеси кенг миқёсда ривож топади.

«Жаҳон» АА
Куала-Лумпур



МАМЛАКАТИМИЗДА

• Қарши шаҳрида суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш мавзусида тадбир бўлиб ўтди. Жорий йилда белгиланган давлат дастурига асосан 21 миллиард 399 миллион сўмлик 19 лойиҳа асосида қарийб 650 километрга яқин коллектор-дренаж тармоқларида қуриш-таъмирлаш ва реконструкция қилиш ишлари амалга оширилиши режалаштирилган.

• Алишер Навоий номидаги Самарқанд давлат университетиде Ўзбекистон халқ шоири Мухаммад Юсуф таваллудининг 60 йиллиги муносабати билан адабий кеча ўтказилди. Кечада Мухаммад Юсуф ижодининг ўзига хос жиҳатлари, халқимиз қалбидан жой олган асарларининг яратилиш тарихи ҳақида сўз юритилди. Адабий давра мушоирага уланиб кетди.

• Республика «Хунарманд» уюшмаси Наманган вилояти бошқармаси интернет тармоғида ўзининг расмий веб-сайтини яратди. Шу муносабат билан ташкил этилган тадбирда бошқарма масъуллари, хунармандлар ва оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.

• Навоийда Халқаро саноат ярмаркаси ва Кооперация биржасининг ҳудудий босқичи бўлиб ўтди. Ярмарка доирасида «Ўзтадбиркорэкспорт» иختисослаштирилган ташқи савдо компанияси вакиллари томонидан тадбиркорларнинг ташқи бозорга чиқишига қўмаклашиш, экспорт имкониятларини ошириш, «кооперация алоқаларини мустаҳкамлаш орқали тайёр ва экспортбон маҳсулотлар ишлаб чиқариш имкониятини кенгайтиришнинг фойдали жиҳатлари борасида ҳуқуқий маслаҳатлар берилди.

• Нукусда «Маҳалла» хайрия жамоати фонди Қорақалпоғистон Республикаси бўлими ва унинг жойлардаги бўлиналари ходимларининг малакасини оширишга бағишланган икки кунлик ўқув-семинари бўлиб ўтди.

ЖАҲОНДА

• Франция пойтахти Париж шаҳрида 1880 йилдан бери ҳали кузатилмаган ҳолат юз берди: ўтган ҳафта ҳарорат 21 даражадан ортиб кетди. Бунинг устига шамолнинг бутунлай эсмаётганлиги ҳафта охирига келиб шаҳар ҳавосининг ифлосланиш даражасини меъёридан ошириб юборди. Натижада шаҳар маъмурияти бунга қарши чора сифатида хусусий автомобиллардан фойдаланишни чеклади, яъни тоқ кунлари жуфт рақамдаги автомобиллар ҳаракати тақиқланди. Жамоат транспорти қатнови эса кўпайтирилиб, ундан текин фойдаланиш йўлга қўйилди.

• Одамзод қайта тикланувчи энергия манбаларидан электр токи олишнинг ўнлаб усулларини ишлаб чиққан. АҚШнинг Гарвард университети мутахассиси Федерико Кнаппасо етакчилигидаги олимлар гуруҳи эндиликда Ердан кўтарилмаётган ва атроф-муҳитга кенг миқёсда тарқалиб, коинотни илтифат қарорат ҳам энергия манбаи бўлиб хизмат қилишини ишонч билан таъкидламоқдалар. Олимлар бу ҳароратни электр энергиясига айлантиришнинг илмий-методик усулини ишлаб чиқди.

• Бундан ўн йил муқаддам Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти одамларнинг кундалик рациониде шакар микдори умуий калориянинг 10 фоизидан ортиб кетмаслигини тавсия қилган эди. Бироқ ортиқча вазн ва семириш «эпидемия»си дунё миқёсида кенг кузатила бшланди. Шу боис эндиликда Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти меъёр 5 фоиз бўлиши лозимлигини таъкидламоқда. Бу одамнинг кундалик рациониде шакар микдорининг 50 граммдан ортиб кетмаслигини англатади. Шунингдек, турли маҳсулотлар таркибидеги шакар микдори ҳам шу ўлчовга киради.

НОРМАТИВ-ҲУҚУҚИЙ ҲУЖЖАТ ТАЙЁРЛАШ ТАКОМИЛЛАШМОҚДА

Миллий қонунчилигимиз базасининг изчиллик билан мустаҳкамланаётгани мамлакатимиз ҳаётининг барча жабҳаларини ривожлантириш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари ҳимоясини таъминлашга хизмат қилмоқда.

Қонун лойиҳаларини тайёрлаш, ишлаб чиқиш ва қабул қилишга оид муҳим ҳуқуқий нормаларни ўзида жамлаган Ўзбекистон Республикаси «Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида»ги қонунининг 2012 йил 24 декабрда янги тахирда қабул қилингани бу борадаги ишларни янги босқичга олиб чиқди.

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни тайёрлаш ва қабул қилиш тартибини такомиллаштириш масалаларига бағишлаб ташкил этилган семинарда бу алоҳида кайд этилди.

Тадбирда Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида давлат ва жамиятнинг ҳуқуқий асоси – миллий қонунчилик тизимини мустаҳкамлашга алоҳида эътибор қаратилаётгани таъкидланди. Қабул қилинаётган

норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг қонунларга, социал-иқтисодий, ижтимоий-сиёсий ислохотлар эҳтиёжларига мос бўлиши изчил таъминланаётди. Бу, ўз навбатида, мамлакатимизни янгилаш ва модернизация қилиш, демократик ислохотларни чуқурлаштириш, барча соҳаларни эркинлаштириш, фуқаролик жамияти институтларини ривожлантиришга замин яратмоқда.

Бу борада Адлия вазирлиги изчил фаолият юритмоқда. Ушбу йўналишда норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ҳуқуқий экспертизадан ва давлат рўйхатидан ўтказиш билан чекланмасдан идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни қабул қилиш, эълон қилиш ва манфаатдор шахслар эътиборига етказишнинг белгиланган тартибига риоя қилиниши устидан доимий назорат амалга оширилмоқда.

консерваториясида халқ чолғуларлари оркестрлари ва кўп овозли ансамблларнинг «Наврўз садолари» VII Республика фестивали ўз ишини якунлади.

✓ ЭРТАГА Яққасарой туманидаги «Қушбеги» маҳалласи гузариде «Ҳар бир кунимиз Наврўз бўлсин» мавзуида маънавий-маърифий тадбир ўтказилади.

ҚИСҚА САТРАЛДАР

Тошкент шаҳар ҳокимлигининг Ахборот хизмати ва ўз мухбирларимиз хабарларидан.

✓ БУГУН Ўзбекистон Банклар ассоциациясида «Ёш тадбиркорларни ҳар томонлама

қўллаб-қувватлаш ва янада рағбатлантириш» мавзусида ёшлар иштирокида амалий учрашув бўлиб ўтди.

✓ БУГУН Ўзбекистон Давлат

